

СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АЁЛ РОЛИ

Худойбергенова П.Т. –
ТДТУ фалсафа фанлар номзоди, доцент

*“Аёл оқилаю , эр ишбилормон
Демак, кундан- кунга обод хонадон”*

Деҳлавий

Минг йиллар давомида ва бугун ҳам ҳар қайси давлатнинг маданий-маънавий қиёфаси аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. “Аёл, оила ва жамият” нақадар улуғ сўзлар бўлиб, аёл сўзи гўзалликни, оила сўзи ишончни, жамият сўзи эса фидойиликни англатади. Онага бўлган ҳурмат-эҳтиром, уни кадрлаш, уни кўкларга кўтариш шарқ халқларига, жумладан, ўзбек халқига хос хусусият экан. Халқимиз тарихида буюк алломалар, жаҳонгир боболаримиз қаторида, бундай инсонларни дунёга келтириб, тарбиялаган, улуғвор ишларга руҳлантирган фозила аёллар ҳам кўп бўлган. Бугун ҳам хотин-қизларимиз фарзанд тарбиясида, турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. аёллар ташкил этади. Бу – аёл кишининг масъулиятли ва садоқатли эканлиги сабабли, ҳам оиласига ҳам ишига бирдек меҳр билан ёндоша олишидан далолат. Менимча ҳақиқий аёл, ҳақиқий она бунинг ҳар иккисига ҳам вақт ажрата олади.

Тарихида ҳам буюк алломалар, жаҳонгир боболаримиз қаторида, бундай инсонларни дунёга келтириб, тарбиялаган, улуғвор ишларга руҳлантирган фозила аёллар ҳам кўп бўлган. Бугун ҳам хотин-қизларимиз фарзанд тарбиясида, турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда.

Қайд этиш лозимки, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича имкониятлар ҳамда ҳуқуқий кафолатлар яратилган.

Мамлакатда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак даражадаги маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам аёлларнинг саломатлигини асраш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта кўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади” деган сўзлари ҳар бир хотин-қизни руҳлантириб, янги марралар сари ундайди.

Унда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш бўйича эришилган ютуқлар билан биргаликда яқин истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган топшириқ ва кўрсатмалар берилгани мени ҳам тиббиёт ходими, ҳам депутат, ҳам аёл сифатида хурсанд қилди.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурлари амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий

ёрдам кўрсатишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Тараққиёт стратегиясида қайд этилганидек, 2022-2026 йилларда 227 та туғруқ комплекси ҳамда 46 та туманлараро перинатал маркази тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланадиган бўлапти. Бундан ташқари, қўшимча 6 минг нафар аёлларга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилишига давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилади. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 5 баробар кўп кўрсаткичдир.

Миллат генофондини яхшилаш, саломатлик кўрсаткичларини ижобий томонга ўзгартириш она ва бола саломатлиги муҳофазаси репродуктив саломатликни мустаҳкамлашдан бошланади. Айниқса, бунда ўсмир қизлар саломатлиги катта аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари бу муаммоларни ҳал этишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик ва нурунийларнинг ўрни ва таъсири сезилмаётганини айтди.

– Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармаси мазкур қўмита томонидан бошқарилади. Юртимиздаги 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосари лавозимлари ҳам қўмита тизимига ўтказилади ҳамда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинади.

Уларнинг саломатлигини тиклаш бўйича ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, жорий йилда 6 минг нафар аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлганлар реабилитация воситалари билан таъминланади. 3 миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади[4]. Бугунги кунда, қизларни эмлаш, фертил ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. соғлиқни сақлаш тизимида Президент фармон ва қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг топшириқлари асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олишга қаратилган йиллик тармоқ режа бажарилди. Хомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, қиз болалар ва ўсмир қизларга юқори технологик, ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, хомиланинг антенатал муҳофазаси сифатини яхшилаш мақсадида Республика Ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий маркази Сирдарё вилояти филиали қошида “1003” тезкор алоқа хизмати, шаҳар ва туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда оилавий поликлиникалар қошида “Аёллар маслаҳатхоналари” бўлимлари ташкил этилган. “Онко-назорат хоналари”, “Она ва бола кластери”, “Пренатал скрининг хоналари”, “Ўсмир қизлар” саломатлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида фертил ёшдаги аёллар оилавий поликлиникаларда тиббий кўриқдан ўтказилиб, хомиладорликка мутлақ монелиги ва нисбий монелиги бор аёллар аниқланиб, “Аёллар маслаҳатхонаси” бўлимининг сешанба куни консилиумига тақдим этилмоқда ва ҳафтанинг ҳар шанба кунлари соғломлаштириш йўналишлари асосида ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун айтганда, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида 244 минг 106 нафар туғиш ёшдаги аёлнинг 71 минг 983 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 26 минг нафарида экстрагенитал касалликлар аниқланди. Шундан 20 минг 361 нафари амбулатор шароитда, 2527 нафари эса стационар шароитда соғломлаштирилди. Бу борадаги ишлар эса, йил давомида давом эттириляпти.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳозирги кунда “Аёллар дафтари”да 630 мингдан зиёд хотин-қиз рўйхатда тургани, улардан 200 минг нафари ишсиз экани ҳамда аёллар ўртасида жиноятчилик, оилада зўравонлик ва тазйиқ ҳолатлари, афсуски, ҳали ҳам учраётгани куйинчаклик билан қайд этилди. Ушбу рақамлар эса бевосита ислохотларнинг барча маҳаллалар кесимида бирдай ишламаётганини, жойлардаги баъзи мансабдор шахслар томонидан мурожаатлар юзаки кўрилатганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида урғу бериб, бугунги кунда тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларни ҳимояга олиш тизимини такомиллаштириш зарурати бор эканини қайд этди. Ҳақиқатдан ҳам тазйиққа учраган аёллар 30 кун муддатга алоҳида ҳимояга олинади, ундан кейинги жараёнларнинг бориши бўйича тизимда бўшлиқлар мавжуд.

Шу билан бирга аёлларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимояси суд томонидан таъминланиши, алоҳида ҳимояга олиш муддатининг бир йилгача белгиланиши эса уларга етарли даражада психологик, ижтимоий, ҳуқуқий ёрдам берилиши ва иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланиши, шунингдек, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши ва бошқа ташаббуслар мамлакатимизда ҳар соҳада гендер тенглиги таъминланишига ва ривожланиш кўрсаткичларининг жадаллашишига замин яратади.

Шундай экан, аёл миллат таянчи сифатида жамият негизи ҳисобланган оилада келажагимиз тараққиётининг гарови, яъни, инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабининг давомчиси, оиланинг мустаҳкам занжири бўлган юксак маънавиятли комил инсонларни тарбиялашда масъулдир. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар замирида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор масала бўлиб, бу келажақда Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс авлодларини билимли, баркамол, мукамал фарзандлар бўлишига қафолатдир. Демак, аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса, жамият соғломлигининг асоси эканлиги, ҳозирги кунда юртимизда аёлга эҳтиром фақат оила давраси билан чекланиб қолаётгани йўқ, узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир. Аёлларни эъзозлаган юрт тамаддун силсиласида юксак мақомларга кўтарилиб, турмуши кундан кунга фаровонлашиб боришини кундалик ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз онаси тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, шафқатини ҳар қадамда ҳис этиб турган болалар бутунлай ўзларини жамоат ишига бахшида қилиб, фарзандларидан узилиб қолган оналарнинг болаларига қараганда соғлом, ақлли, тарбияли ва кўнгилчан бўлиб улғайишар экан. Онанинг бурчларидан яна бири фарзандга меҳрибонлик кўрсатиб, уни турли азият берадиган нарсалардан сақлаган ҳолда вақтида озиклантириб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, шамоллаб қолишига йўл қўймай, уни парвариш қилишда эринчоқлик ёки дангасалик қилмай доимо ҳушёр ва ундан хабардор бўлишлиқдир. Конфуций эса “Имкон борича болага яхши талим тарбия, касб беришга интилиш керак, токи у ижобий ҳислатларни ўзлаштирсин ва ярмас ҳатти ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин” каби фикрларни билдирган. Мутаффақирлар болани вояга етказишда оила мактаб ва жамоанинг рўлини такидлаб, касб хунарга ўргатиб ҳаётнинг қиёнчилик ва муҳтожликларига бардош бера оладиган қилиб тарбиялашлари кераклигини кўрсатиб ўтганлар.

Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опсингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Бу мақсадлар учун жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилиши қайд этилди.

Аёлларнинг уй-жой шароитини яхшилаш масаласига тўхталар экан, Президентимиз шундай деди:

– Бир вақтлар аёлларга имтиёзли уй беришга имкон йўқ эди, бунга қонуний асос, маблағ йўқ эди.

Оналарнинг асосий муҳим вазифаларидан бири фарзандларни ёшлик чоғларидан бошлаб илму маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим бўлади, илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиш пайдо қилиб, ўқиб ўрганиб маълумот ҳосил қилган киши, албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Mirziyoyev Sh.M. buyuk kelajagimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz. T.Ўzbekiston 2017/ 117-156 ,
2. Ўzbekiston Respublikasi Prezidentining 2-iyun 2020-yildagi “Ўzbekiston Respublikasining xalqaro reyting va indeksdagi ўrnini yaxshilash hamda davlat organlari va tashkilotlarida ular bilan tizimli ishlashning yangi mexanizmini joriy qilish tўg‘risida”gi Farmoni.
3. Худайбергенова П. Т. Образ Мавлоно ДЖалолиддина руми в контексте гуманистических традиций востока и мусульманской биоэтики //Гуманитарный трактат. – 2018. – №. 33. – С. 28-30.
4. Khudaybergenova P. T. UZBEKISTAN: ETHNO CULTURAL IDENTITY AND TOLERANCE UNDER CONDITIONS OF GLOBALIZATION //Социосфера. – 2013. – №. 4-2. – С. 52-54
5. Худойбергенова, П. Т., and С. С. Шарипов. "миллий ғоя хусусида қисқача мулоҳазалар." *Бюллетень педагогов нового Узбекистана* 1.5 (2023): 5-8.
6. Худойбергенова П. Т. Миллий қадриятларимиз тараққиётининг асосий омили //golden brain. – 2024. – Т. 2. – №. 19. – С. 178-181.
7. *Improving the Quality of Medical Services in Improving the Gene Pool of the Population in Our Country* .Sattorova Dildor Gapparovna, Xudaybergenova Patma Toshpulatovna October 9, 2021
8. Роль гуманистики в медицинском образовании и совершенствовании профессионализма врачей. ЗМ Мухамедова, ДГ Саттарова, ПТ Худайбергенова Гуманитарный трактат, 19-23

РЕЗЮМЕ:

Мақолада мамлакатда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак даражадаги маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: ёшлар, оила, соғлом бола, тарбия, давлат сиёсати, аҳоли, репродукция, саломатлик, соғлом авлод.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются вопросы создания здоровой семьи в стране, формирования в семье духовно-нравственной среды.

Ключевые слова: молодежь, семья, здоровый ребенок, образование, государственная политика, народонаселение, воспроизводство, здоровье, здоровое поколение.

RESUME:

The article examines the issues of creating a healthy family in the country, creating a high-level spiritual and moral environment in the family.

Key words: youth, family, healthy child, education, public policy, population, reproduction, health, healthy generation.